

**Қорақалпоғистон Республикасини 2023 йилда ижтимоий-  
иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2024 йилги режалар  
тұғрисида Вазирлар Кенгашининг Раиси Ф.Әрмановнинг  
ХИСОБОТИ**

**Ассалому алайкум, Ҳурматли Аманбай Тлеубаевич!  
Ҳурматли депутатлар ва сессия иштирокчилари!**

Рұхсатларингиз билан, **2023 йилда** таъминланған ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий күрсаткичлари ва натижаларига қисқача тұхталиб үтсам.

Аввало, жорий йил якунлари бүйіча Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий күрсаткичларига әзтибор қаратадиган бўлсак, йил якунида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **103,5 фоизга**, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **101,1 фоизга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **104,1 фоизга**, қурилиш-пудрат ишлари **106,5 фоизга** ҳамда хизматлар ҳажми **110,8 фоизга** ўсиши таъминланған.

Шунингдек, **198 645 та** янги иш ўринлари яратилиб, бандлик дастурининг ижроси **102,9 фоизга** бажарилиши, аҳолининг ишсизлик даражаси **7,1 фоизга камайишига** эришилди.

Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йилнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастирига асосан, бугунги кунда жами қиймати **3 трлн 85,8 млрд сўмлик 1 432 та лойиҳалар** ишга туширилиб, уларнинг эвазига **10 246 та** янги иш ўринлари яратилган.

Республикамизда йил якуни билан **113,7 млн долларлик** хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, **123,7 млн долларлик** экспорт ҳажми амалга оширилган.

**Ҳурматли депутатлар ва сессия иштирокчилари!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-465-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида 2023 йилда Инвестиция дастури

доирасида жами ижтимоий соҳа ва инфратузилма обьектларида **594,1 млрд. сўмлик** қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, **75 та** обьектлар фойдаланишга топширилишига эришилди.

- **12 та мактаб** обьектларида **78,5 млрд. сўмлик** қурилиш ишлари бажарилиб, барча обьектлар фойдаланишга топширилди;

- **1 та** ихтисослаштирилган мактаб обьектида **19,3 млрд. сўмлик** қурилиш ишлари бажарилиб, обьект жорий йилда фойдаланишга топширилиши белгиланди;

- мактабгача таълим ташкилотлари обьектларида **35,9 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, **8 та** обьектлар фойдаланишга топширилди;

- соғлиқни сақлаш обьектларида **31,8 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, **4 та** обьектлар фойдаланишга топширилди;

- Олий таълим ташкилотлари обьектларида **18,2 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, **2 та** обьектлар фойдаланишга топширилди;

- Илм-фан ва инновация обьектларида **11,7 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, **1 та** обьект фойдаланишга топширилди;

- сув таъминоти ва оқава сув обьектларида **62,7 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, **6 та** обьектлар фойдаланишга топширилди;

- ирригация ва мелиорация обьектларида **202,9 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, **14 та** обьектлар фойдаланишга топширилди;

- автомобиль йўллари обьектларида **127,1 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, **24 та** обьектлар фойдаланишга топширилди;

- бошқа соҳа обьектларида **6,1 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, **4 та** обьектлар фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги қарорига асосан 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ПҚ-408-сон қарорига мувофиқ **2023 йилда 252 та маҳаллаларда 331 та объектларда қиймати 265,8 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.**

*(Хусусан, 176 та ички йўлларни таъмирлаш, 72 та ичимлик ва оқава сув объектлари, 13 та электр ва 9 та газ таъминоти, 14 та спорт, 11 та маҳалла бинолари ва 37 та бошқа соҳа объектлари киритилган)*

Бундан ташқари, **аҳоли томонидан билдирилган эътиrozларни ижобий ҳал этиш мақсадида маҳаллаларда биринчи навбатда амалга оширилиши зарур бўлган чоратадбарлар белгиланиб, 193 та объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларига 329,7 млрд сўм маблағ ажратилди.**

*(Хусусан, 93 та автомобиль йўлларни таъмирлаш, 38 та ичимлик ва оқава сув объектлари, 33 та электр, 7 та мактаб, 6 та мактабгача таълим ташкилоти, 9 та соғлиқни сақлаш ва 7 та бошқа соҳа объектлари)*

**2024 йил 1 январь ҳолатига объектларда 309,0 млрд сўмлик (99 фоиз) иш ҳажмлари бажарилиб, 191 та (режа 193 та) объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан:**

- 93 та автомобиль йўллари объектларида 127,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, барча объектлар фойдаланишга топширилди;

- 38 та ичимлик сув таъминоти объектларида 61,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 37 та объектлар фойдаланишга топширилди;

- электр энергияси бўйича 7 024 та таянч устунлар ўрнатилди, 415 км электр тармоқлари тортилди ва 98 та трансформаторлар ўрнатилди (33 та объект);

- 7 та мактабларда 14,0 млрд сўмлик (100 %) қурилиш ишлари бажарилиб, барча объектлар фойдаланишга топширилди;

- 6 та мактабгача таълим ташкилотларида 23,2 млрд сўмлик (100 %) қурилиш ишлари бажарилиб, барча объектлар фойдаланишга топширилди;

**- 7 та бошқа соҳа обьектларида 15,0 млрд сўмлик (режа 15,4 млрд.сўм, амалда 97 %) қурилиш ишлари бажарилиб, 6 та обьектлар фойдаланишга топширилди;**

**Дастур бўйича фойдаланишга топширилмаган 2 та обьектларида (1 та ичимлик сув ва 1 та бошқа) ишлар назоратга олинган.**

### **Ҳурматли депутатлар ва сессия иштирокчилари!**

Давлат инвестиция дастури асосида 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикасида **117 та** ижтимоий соҳа ва инфратузилма обьектларида **1 трлн 167,3 млрд сўмлик** қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Жорий йил 15 май ҳолатига 168,1 млрд.сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 251,8 млрд.сўм молиялаштирилган.

Шунингдек, **“Қишлоқ жойларни ривожлантириш” лойиҳаси** доирасида **35 та** ижтимоий соҳа обьектлари янгидан қурилади.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2024 йилда **4 минг 276 та** хонадонли **114 та** уй-жойларни қуриш режалаштирилган.

Шунингдек, **3 туманда, Қонликўл, Қораўзак ва Кегейли туманларида “Янги Ўзбекистон”** массивлари барпо этиш ишлари давом эттирилиб, **Амударё ва Элликқалъа** туманларида **“Янги Ўзбекистон”** янгидан барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, Хўжайли туманида Ёшлар ижтимоий-иктисодий маркази ташкил этилади.

### **Ҳурматли депутатлар!**

Орол бўйи ҳудудида экологик вазиятни юмшатиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини самарали ташкил қилиш бўйича ҳар йили баҳор ва куз мавсумларида уюшқоқлик билан олиб бормоқдамиз.

Ушбу ишларни давом эттириш бўйича 2023 йил куз ойларида шаҳар ва туманларимиз ҳудудларида жами **6 млн. 103,5 минг дона** дарахт кўчатлари экилиши таъминланди (режа 5 млн. 974 минг дона, 102,2%).

Шу билан бирга, белгиланган вазифалар асосида 2024 йил баҳор мавсумида жами **8,8 млн. дона** манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экиш режа қилинган.

2024 йилда манзарали дарахт кўчатларининг захира базасини яратиш мақсадида 2023 йили куз мавсумида қўшимча **300 гектар** майдонда кўчатхоналар ташкил қилинди.

Ушбу кўчатхоналарда жами **30 млн.га яқин** манзарали дарахт кўчатларини етиштириш йўлга қуйилади.

Бундан ташқари, Нукус шаҳри ва туманлар ҳудудларида 2024 йил дастур доирасида **46,7 гектар** ер майдонда “яшил боғ”лар барпо этилади (30.12.2021 йил ПФ-46-сон Фармони).

Бугунги кунда ушбу боғларни яратиш мақсадида шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашининг тегишли қарорлари билан ер майдонлари тўлиқ ажратилиб, лойиҳанинг проект-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Орол дengизининг суви қуриган майдонларида “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш мақсадида белгилаб берилган топшириқлар асосида 2018-2023 йиллар давомида **1,7 млн. гектар** майдонда ўрмон экиш ишлари олиб борилди.

Ушбу ишларни янада давом еттириш мақсадида 2024 йилда Орол дengизининг суви қуриган майдонларида “яшил қопламалар” яратиш ишлари бўйича **100 минг гектар** майдонда **янгидан ўрмонзорлар** ҳамда **100 минг гектар** майдонда **ўтган йилларда экилган ўрмонзорларни тўлиқтириш** ишлари олиб борилиши белгиланган.

**Ҳурматли сессия иштирокчилари!**

**Албатта, юқорида таъкидланиб ўтилган режаларимизни амалга оширилиши натижасида, 2024 йилда:**

**ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми **38,8 трлн сўмни** ташкил этиши ва ўсиш суръати **105,9 фоизга**;**

**саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **22,8 трлн сўмга** ва ўсиш суръати **106,7 фоизга**;**

**қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми **18,9 трлн сўмга** ва ўсиш суръати **103,6 фоизга**;**

**хизматлар ҳажми **16,2 трлн сўмга** ва ўсиш суръати **118,0 фоизга** етказилади.**

**Ҳурматли сенатор ва депутатлар!**

Бугун биз олдимиизга улкан марраларни қўйдик, бу марраларни забт этишда Давлатимиз Раҳбари томонидан **барча имконият ва шароитлар яратиб берилган**.

Агар биз бир ёқадан бош чиқариб, бошланган ҳар бир ишимизни тизимли йўлга қўйиб, талабчанликни ошириб, сидқидилдан, содиқлик билан ҳаракат қилиб, бажарсак – **халқимиз олдида, Ҳурматли Юртбошимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади**.

Сўзимнинг якунида,

Сизларни кириб келаётган 2024 йил билан Вазирлар Кенгashi номидан муборакбод этаман. Янги йил юртимизга қут-барака олиб келсин, халқимиз дастурхони тўкин-сочин бўлсин, тинчилигимизга кўз тегмасин. Ҳаммаларингизга оиласиб баҳт, соғлиқ, омонлик, ишларингизга зафар ва омадлар тилайман.

**Эътиборларингиз учун раҳмат!**